

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БУЛСИН!



QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN

2009-yil 27-noyabr, juma

№48(3838)

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2009 йил 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ
ДАШИНУНИН 2009 йил 7 ДЕКАБРЬ
ДУШАНБАГА КҮЧИРИП ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул
қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда
аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яра-
тиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009-йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009-йил
7 декабрь душанбага күчирисин.

5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 ноябрь

АМАЛИЙ ҚҰЛЛАНМА

«ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА»



Мамлакатимизда давлат ҳоқими-
тияти вакиллик органларига булиб
утадиган сайлов жараёнинг тайёргар-
лик босқичида сайловчиларнинг
хукуқий билимларини янада оши-
риш мақсадида Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги
институти жамоаси томонидан «Парламент сайлови: милий
қонунчилек ва хорижий тажриба»
номли амалий құлланма давлат ва рус-
тилларда тайёрләніб, чөп этилди.

Құлланма 3 бұлым, 11 бобдан ибо-
рат булиб, унинг 1-бұлыми Парламент сайловига оид милий қонун-
чилкін мазмұн-моҳиятiga бағылланған. Үнда Ўзбекистон Респу-
бликаси Олий Мажлисінің Қонунчилек палатасы сайловлар
үтказышнинг асосий принциплери, сайлов округлари ва сайлов
участкалари, сайлов комиссиялари, сайлов кампанияси бошлан-
ганини эълон қылыш, депутатлар номзодлар күрсатыши ва уларни
рұйхатта олиш, сайловолди ташвиқоти, депутатлар номзодлар
фаолиятининг кафолатлари, сайловчиларнинг рұйхатлари, сайлов
бюллетени, овоз беріш ва сайлов натижаларини аниқлаш, Ўзбекистон
Республикаси Экологик ҳаракатидан Қонунчилек палата-
сига депутатларны сайлаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатини шакллантириш тартиби, парламент сайлови
бүйіча ҳалқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасыга оид
масалалар тизими тарзда таҳлилий өрнітілген.

Құлланманың 2-бұлымида парламент сайловига оид асо-
сий түшүнчә ва атамаларнинг изохли луғати оммабоп тарзда
ифодалаб берилген.

Құлланманың 3-бұлымида «Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисига сайлов түгрисида», «Фуқаролар сайлов хукуқлары-
нинг кафолатлари түгрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясы түгрисида»ғи қонунлардаги асо-
сий тартиб ва қоидалар схематик ифодаланған.

Құлланманың 4-бұлымида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аязолари,
сайловчилар, олий үкүв юртларининг профессор-үкитувчила-
ри, докторантлар, аспирантлар, магистрлар ва талабалар ҳамда
көнг жамоатчилек учун мүлжалланған.

Нуриддин НОРМАТОВ,
юридик фанлар номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИМВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

Жорий йилнинг 25 ноябрь куни Ўзбекис-
тон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб
утди. Унда ички ишлар идораларининг
масъул ходимлари ва соҳавий хизматла-
ри раҳбарлари иштирок этиши.

Ҳайъат йигилишини Ички ишлар вазири, генерал-лей-
тенант Б. Матлюбов кириш сўзи билан очди ва олиб бор-
ди. Нотик кун тартиbidagi би-
ринни муҳим масала – Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилек палатасига, ҳалқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кен-
гашларига сайловларни
утказишга тайёргарлик
кўриши, утказиш ҳамда
яқунлаш даврида хавф-
сизликни ва жамоат тарти-
бини сақлаш борасида
ички ишлар идоралари ол-
дига кўйилган асосий вази-

фалар түғрисида сўз юри-
тиб, бу борада тегишли
курсатмалар берди.

Шу ўринда жорий йил-
нинг 27 декабрь куни мам-
лакатимизда бўлиб утди-
ган муҳим сиёсий жараён-
га тайёргарлик кўриш
ҳамда уни утказиш пайти-
да ички ишлар идоралари
ходимлари хизмат интизо-
ми ва қонунчиликка қатий
риоя қилган ҳолда ўз бурч
ва вазифаларини сидди-
дилдан адо этишлари ло-
зимлигини таъкилдади. Ай-
ниқса, сайлов участ-
каларида жамоат тартиби-

ни сақлаш, хукуқбузарлик-
ларнинг олдини олиш, тур-
ли шубҳали ҳатти-харакат-
ларни олдиндан аниқлаб,
бартараф этиш, бир сўз
билан айтганда, хавфсиз-
ликни таъминлаш зарурли-
гини алоҳида кўрсатиб утди.

Мазкур масала мухода-
масида сўзга чиқсан раҳ-
бар ходимлар шахсий
таркиб барча сайлов ок-
руги ва участкаларида бу
сиёсий жараённи тинч-
осойишта утказиш учун
тайёр эканликларини бил-
дириши.

(Давоми 2-бетда.)



Жиззах вилояти
ички ишлар идоралари
ходимлариниң фаолиятiga
багишланған материал билан
газетамизнiң б-саҳифа-
сida тапишилди.

Суратда: Жиззах вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ
отряды ходими, сафдор Шокир Шодмонов.

ДИҚҚАТ!

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

Хурматли юртдошлар!

Биз, ички ишлар идоралари
ходимлари Сизнинг тинч-
осойишта ҳаёт кечиришингиз
учун масъулмиз. Шу боисдан,
Сиз ҳуқук-тартибот ва
қонунчилек бузилишига оид
ҳар қандай масалалар бүйіча
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ва
унинг ҳудудий бош-
қармаларидаги навбатчилик
қисмларига қуйидаги «Ишонч
телефонлари» орқали мурожаат
қилишингиз мумкин.
Мурожаат этган шахснинг
исм-шарифи сир сақланиши
кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

(8-371) 233-22-33

(8-371) 233-39-39

(8-361) 222-56-76

(8-371) 232-03-30

(8-374) 224-87-50

(8-365) 224-64-86

(8-372) 226-03-02

(8-436) 223-06-71

(8-369) 226-60-55

(8-366) 233-00-00

(8-367) 225-33-30

(8-376) 227-25-51

(8-371) 264-18-32

(8-373) 224-29-08

(8-362) 226-37-10

(8-375) 221-82-45

(8-371) 252-61-39

(8-371) 236-23-70

Корақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси

Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси

Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси

Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси

Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси

Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси

Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси

Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси

Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси

Транспорт Ички ишлар бошқармаси

ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси

ОЛІЙ МАЖЛІС КОНУНЧИЛИК НАЛАТАСИДА

24-25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Конунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кунтартибини тасдиқладилар.



Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг аъзоси О.Шарипов «Кишлоп ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чукурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хўжатларига ўзгартиш ва қушимчалар киритиши тұғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Хўжат мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторини яна да ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган «Кишлоп тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг ҳар томонлама мухокамасида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар қишлоқ ва сув ҳужалигида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳукукий базасини такомиллаштириш ғоят мухим эканлигини тъкидладилар. Шу муносабат билан қайд этиб ўтилдики, мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига киритилиши таклиф этилаётган ўзгартишлар фермер ҳужаликларига бериладиган ер участкалари ўлчамларини мақбуллаштиришга, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилгандир. Хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Конунга киритилаётган ўзгартишлар қонунда фойдаланиладиган асосий тушунчаларни аниқлаштиришга, трансчегаравий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ҳукуқига тааллукли аниқ нормалар белгилашга, сувдан маҳсус фойдаланиш ва сувни маҳсус истеъмол қилиш тартибини такомиллаштиришга, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳукуқ ҳамда мажбуриятларини, шунингдек, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига доир низоларни ҳал этиш тартибини белгилашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормаси янги таҳрирда баён этилмоқда. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) қоидаларини такомиллаштириш максадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг айrim нормалари янги таҳрирда баён этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида»ги, «Фермер ҳужалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон ҳужалиги тўғрисида»ги, «Хайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги ҳамда бошқа бир қатор

қонунларига ўзгартиш ва құшимчалар кириллді. Киритилаётгандай ўзгартылыш ва құшимчаларнинг ҳаммасы улар қонун ұхжатларыда мақбул тарзда баён этилиши мақсадида депутатлар томонидан мүшкіндерге қарастырылған.

Қонун лойиҳасини моддама-
модда муҳокама қилиш пайтида
билдирилган фикр ва мулоҳазалар-
ни ҳисобга олган ҳолда Қонунчи-
лик палатаси Қонунни қабул қилди.
Қонун маъкуллаш учун парламент-
нинг юкори палатасига юборила-
ди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Солик тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунлари-га ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари-ни Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев тақдим этди. Маърузачи қонун лойиҳасини дастлабки мухокама қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари ки-ритган ҳамда қабул қилинган та-лифлар ҳақида депутатларга ахбо-рот берди. Шунингдек, вазирлик-лар ва идораларнинг, хўжалик юри-тувчи субъектлар ва жамоат бирлашмаларининг солик тўғрисида-ги қонун хужжатларини янада та-комиллаштириш, улардаги номуво-

таг. «Солиқ тұғрисида» и қонун үз жатлары такомиллаштирилиши мұносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрым қонулари га үзгартыш ва құшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойихаси билан Ўзбекистон Республикасинин Мамуруй жавобгарлық тұғрисидағи кодексига ва «Давлат солиқ хизмати тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига үзгартыш ва құшимчалар киритиш назарда туғилған. Киритилаётган үзгартыш ва құшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига таклиф этилаётган үзгартыштардан келиб чиққан бўлиб, солиқ мамуриятчиликни такомиллаштиришга қара тилгандир.

Моддама-модда мухокама

қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва киллари сўзга чикдилар. Депутатлар томонидан ҳужжатнинг айрим нормаларини аниқлаштиришга қаратилган таклифлар киритилди ва мулоҳазалар билдирилди. Кири-тилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчиллик палатаси Қонунларни қабул қилди. Қонунлар мавқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча кири-тиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатларга Конунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитаси аъзо-си А.Тўхташев тақдим этди. Конун лойиҳаси жиноят тўғрисидаги қонун хўжжатларини янада эркинлаштириш қаратилган. Тайинла-надиган жазони индивидуаллаштириш ва хуқукий кафолатлар механизмини яратиш мақсадида Жиноят кодексини айбдор шахс астойдил пушаймон бўлган тақдирда, жазо муддати ва микдорини муайян даражада пасайтиришни назарда тутувчи маҳсус модда билан тўлдириш так-лиф қилинди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг мухокамасига ўтилди. Унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва киллари сўзга чиқдилар. Киритилган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда Конун қабул қилинди ва маъкуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ахоли ўртасида микронутриенттердиң нормал үсиши ва ривожлашиши учун зарур бўлган, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ-овқат моддалари, яъни витаминлар ва минерал моддаларидир. Конун лойихасида мазкур соҳадаги давлат сиёсати, Вазирлар Мажкамаси, вазирликлар ва идораларнинг шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиюти органларининг ахоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси соҳасидаги вакоатлари белгиланган.

Қонун лойиҳасини мөддама-модда күриб чиқиш чоғида депутатлар унинг қабул қилиниши ва амалда рўёба чиқарилиши оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш имкониятини беришини, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама камолотпишини таъминлашини таъкидлаб ўтдилар. Қонун лойиҳасининг айрим таърифлари аниқлаштирилди, баъзи нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Мөддама-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни хисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъкуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Конунчилик палатаси депутатлари, хукуқшунос олимлар, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва килллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛӢ СУДӢ ПЛЕНУМӢ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида янги давлат ва жамият куришда асос қилиб олинган тамойиллардан бири - қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойиллари мамлакатимизда инсон ҳукуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳукуқ ислоҳотларини амалга ошириш учун мустахкам замин яратгани алоҳида таъкидланди.

савдосига қарши курашиш самараадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ти қарори бу турдаги жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш бора-сидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарор асосида 2008-2010 йилларда Одам савдосига қарши курашиш самараадорлигини ошириш бўйича миллий тадбирлар режаси тасдиқланди. Шунингдек, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идорала-

Мамлакатимизда инсон хукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Фуқароларимиз қаерда бўлмасин, уларнинг хукуqlарини ҳимоялаш давлатимизнинг доимиий эътиборида. Хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик кенгаймоқда, юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Афсуски, айрим шахслар бундай имкониятлардан баразли мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қўлмоқда. Оқибатда жаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар содир этилмоқда.

Бундай жиноятлар транс-миллий характерга эга. Янын у худуд ва чегара танламайдиган халқаро терроризм ва наркобизнес каби хавфли жиноятлардан саналади. Шунинг учун Ўзбекистон бундай иллатларга карши курашында күйида сирим, кам таъсири га йўл кўйилаётгани маълум бўлди. Шу боис пленум қарорида тергов органлари ва судларга одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини кўраётганда қонун нормаларини тўғри кўллаш тўғрисида тегишилди тавсиялар берилди.

иллатларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада тегишли қонунчиллик асослари яратилгандан. 2008 йилда мамлакатимизда «Одам савдосига қарши курашиш тұғрисида»-ги, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий ўюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тұлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аئллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда үнга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тұғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда кабул килингган «Одам

**Норгул
АБДУРАИМОВА**

ЎЗБЕКИСТОН

ХАФТА ИЧИДА

● Муборак Ийд ал-Адҳо – Курбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самиий кутловлар келмоқда.

● Пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Польша хукуматларо қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Польша ишбилиармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ташкиллаширилди. Унда польшалик ишбилиармонлар ўзбекистонлик шериклар билан иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида бевосита ҳамкорликни йўлга кўшиш ва ривожлантириш масалаларини мухокама қилдилар. Шунингдек, Польша делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

● «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси авиа паркига ўзимизда ишлаб чиқарилган яна битта янги модификациядаги «Ил-114-100» самолёти кўшилди. Пойтахтимиздаги «Тошкент» аэропортининг учиш-кўниш йўлагига авиалайнер келиб кўнди. Уни «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятидан миллий авиакомпаниямиз учувчилари олиб келди. Айтиш жоизки, «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси «Ил-114-100» ҳаво кемаларидан бир неча йиллардан бўён самарали фойдаланиб келмоқда. Ушбу самолётни ишлаб чиқаришади авиастишлар бўйича замонавий бозорнинг барча талаблари хисобга олинган ва учиш-техник ва иқтисодий жиҳатларининг ўйғулиги билан ажralib туради. Самолёт авиаёқилгини сарфлаш бўйича ниҳоятда тежамкорлик хусусиятига эга. Ушбу самолёт 52 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, 1250 километр масоғага соатига 500 километр тезлиқда уча олади. Фойдаланилаётган авиадвигателларинг ёқилги самародорлиги ҳаво кемасига бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай русландаги самолётлари билан рақобатлашиш имконини беради. Ундан республикамиз ичida ва МДХ мамлакатларига мунтазам парвозларни амалга оширишда фойдаланилади.

● Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва мазкур соҳаларга оид янги технологияларни «Uzagroexpo – 2009» бешинчи ҳалқаро кўргазмаси бошлини. Кўргазмада қишлоқ ҳўжалиги техникини ва ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, чорвачилик, чорва моллари озуқаси ва агрокимё соҳасида кўлланадиган воситаларга кенг ўрин ажратилган.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ХОДИМЛАР ҲАЁТИДА МАТБУОТНИНГ РОЛИ

Маълумки, бугунги кунда дунёда юз бераётган глобаллашув жараёни барча одамлар, шу жумладан, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам ахборот олишга бўлган талабини ошироқмода. Ҳар қандай ахборотни таҳлил қилиш, тарқатиш ва бошқариш эса оммавий ахборот воситаларига хос хусусиятдир.

Сир эмаски, оммавий ахборот воситалари олдига фуқароларга асл ҳақиқатни англатиш, шу билан бирга, ҳозирги таҳликали замонда ғаламис кимсалар томонидан қилинаётган ахборот хуружларига нисбатан тезкор жавоб қайтаришдек улкан вазифа кўйилган. Бу эса журналистларимиз зиммасига катта масъулият юклади.

Истиклол йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида маърифат ва маънавият масалалари, ахборот асри муаммолари ҳар томонлама теран ва атрофлича ёритиб берилаётгани туфайли ҳалқимизнинг сиёсий ва хукуқий онги ўсиб бормоқда. Юртошларимиз жаҳон сиёсий саҳнасида олиб борилаётган турли ўйин ва найрангларнинг мазмун-моҳиятини, улар ортида қандай мақсадлар яширганини ўхши юклади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида таъкидлаганидек: «Ҳозирги вактда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чукур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мағкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёни, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра мұхим аҳамият қасб этмоқда».

Зиммаларига мамлакатимизда хукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, элу юрт осойиштаги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-хукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда ўюшган жиноятчилик, диний экстремизм, ҳалқаро терроризм, наркобизнесга қарши курашишдек фоят масъулиятли вазифалар юлатилган ички ишлар идоралари ходимларни жаҳондаги ўзгаришларни таъминлаштиришади. Бу эса уларнинг замон талабларини тўғри тушунган ҳолда ўз фаолиятларини янада такомиллаштириш йўлида изланаётгандаридан дарак беради.

Газета-журналаримизни оила аъзолари даврасида ўқиб, маънавий озуқа олаётган ички ишлар ходимлари, фахрийлар, шунингдек, бошқа қасб эгаларидан иборат кўп минг сонли муштариляримиз борлиги фоят қувончилик. Баъзан юзма-юз, гоҳида телефон орқали нашрларимиз ҳақида билдирилган илиқ фикрлар ижодий жамоамизни янада илхомлантариши табиий. Чунки ички ишлар ходимларининг машакқатли хизмати, соҳамиз фидойилари, давлат мукофоти соҳибларини, ўз қасамёдига содик қолиб, хизмат бурчани бажариш пайтида ҳалқ бўлган ходимларимизнинг жасорату маточати, суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотлар, қонунилигимиздаги янгиликлар, қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотларни доимий равишида ёритиб бориш орқали ходимларимиз ва ҳалқ ўртасида ги ахборот кўпригини бунёд этиб,

КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНING 17 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ВАТАН ҲИМОЯСИГА ШАЙМИЗ!

Бугун Ватан ҳимоясига бел боғлаган ҳар бир эр йигит ушбу моддани ёддан билиши шубҳасиз. Ҳарбий хизматчи бўлиш истагида юрган олов-қалб, забардаст ўғлонларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Юртошларимизнинг Куролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллигига бағишиланган мурожаатида «Куролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соглом маънавий-ахлоқий мұхитни, ҳарбий тартиб-интизомни саклашнинг чиндан

ҳам мұхим омилига, мұхтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланади» деб айтган эдилар. Куролли Кучларда ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли муддатли ҳарбий хизматнинг нуғузи ошиб бораётганини ҳеч кимга сир эмас, албатта. Уларнинг моддий таъминоти йилдан йилга яхшиланаяти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдағи «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматчиларга бераётган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбир-

уларни янги зафарлар сари руҳлантириш биз, журналистларнинг шарафли вазифамизdir.

Шу кеча-кундузда обуна мавсуми қизғин давом этмоқда. Шахсий таркибининг хукуқий онги ва билим савиясини оширишда матбуотнинг ролини чукур англаб етган, ходимларининг давр талабидан ортда қолмай, олдинги сафларда боришларини истаган ички ишлар идоралари раҳбарлари обунани уюшқоқлик билан ташкил этмоқдалар. Аммо афсуски, «Обуна мажбурий эмас-ку!» деб, бу борадаги ишларга лоқайдлик билан қараётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг айримлари ҳатто ходимларининг қанчаси газета-журналларга обуна бўлгани-ю, неча фоиз ходимлар умуман газета ўқимай кўйгани билан қизиқиб ҳам кўришмаган. Ахир, газета-журнал ўқимайдиган, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан, ички ишлар идоралари тизимида амалга ошириётган ислоҳотлардан, ўз ҳамкасларининг буғунги кундаги хизмат фаолияти, ютуқ ва камчиликларидан хабардор бўлмаган ходимдан келгусида қандай самара кутиш мумкин?!

Ўз имлу тафаккури ва иктидори билан аллақаочон элга машҳур бўлган зиёлиларимиз – олиму фозилларимиз, ёзувчи ва шоиорларимиз ҳам эрталаб ишни газета ва журналларни вараклашдан, матбуотдаги хабарлар билан танишишдан бошлашади. Чунки улар бир кунлик бўлса-да, янгиликдан бехабар қолишни исташмайди.

Давлатимиз раҳбари «Бугунги замонда мағкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга» деб бежиз таъкидламаган эдилар. Жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалардан, мағкуравий курашлар силсиласидан бехабар ходим ўз олдига кўйилган вазифаларни тўлақонли бажара олади, деб айта оламизми?! Йўқ, албатта. Зоро, турли мағкуравий бузғунчилик ва ёвузликларнинг илдизини, мазмун-моҳиятини билмай туриб, унга қарши курашиш, таъбир жоиз бўлса, йўловчининг қоронги кечада машъаласиз ёки чироқсиз йўлга чиқишига ўхшайди.

XXI аср – ахборот асри. Бундай тезкор замонда керакли маълумотларга эга бўлмаслик эса дунёдан бехабар қолиш демакдир. Бас, шундай экан, ходимларимиз бугунги кечакундузда жаҳонда рўй бераётган воқеалар, мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлардан доимий равишида

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки мукобил хизматни ўташга мажбурдирлар».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда.

на ва компютер синфлари мавжуд. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиликнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик машғулотларини, билим ва таҳрибаларни ошириш максадида ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услублари жорий этилган. Бир сўз билан айтганда, глобаллашув даврида за-

монавий армиянинг ҳар томонлама тақомиллашганилиги, хукуматимиз томонидан соҳага қаратилётган ўксак эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар ёшларнинг она-Ватан ҳимоясига шай турши, ватанпарварлик руҳида улгайшларидан мұхим омил бўлмоқда.

Баҳридин ЛУТФУЛЛАЕВ, катта сержант.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

Жасоратга ташна киши ҳечам тиниб-тинчимайди. У она юрти, меҳнаткаш ҳалқининг баҳти, фаронлиги, осуда ҳёти учун қалқон бўлишга интилади. Ўзини шу юртнинг кувончу ташвишларига шерик деб билади. Урганч шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Ҳожибий Болтаев ҳам ана шундай фидойилардан бири.

Хонса туманинг Қорақош қишлоғида түғилган Ҳожибий тажрибали муаллимлар кўлида сабоқ олди. Ёшлиқдан ҳалол меҳнат мөвасининг ширин ва totli бўлишини ўрганди. Мактабни тутгатгач, Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди. Болалиқдан билимга ташна бу йигит олий таълим мусассасасида ҳам ўз қобилиятини намоён этди. Институтни муваффақиятли тутгатгач, ички ишлар идораларида хизмат қилиш ниятида вилоят ИИБ кадрлар бўлимига ҳужжатларини топшириди.

— Эндиғина хизмат бошлаган пайтларим эди, — дейа хотирлайди шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Ҳожибий Болтаев. — Маҳалладаги ўсмир-ёшлар ярим тунгача кучада туриб, сигарет чекишар, ўтган-кетгандарнинг ортидан гап отишарди. Уларнинг бу одати эрта-индин бирор нохуш ҳолатга олиб келиши мумкин, деган фикрга бориб ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида профилактика катта инспекторига мурожаат этдим. У киши эса бу ишни менга топшириди ва уч кун муҳлат кўйди. Кутимаган бу топшириқдан бирор ўйланиб қолдим. Ишни нимадан бошлаш кераклиги, қандай тадбирлар ўтказиш лозимлиги ҳақида бош қотира бошладим. Шу пайт милиция таянч пункти биносиға кириб келаётган маҳалла оқсоқолига

Осон касбнинг ўзи йўқ, бироқ ички ишлар ходими ҳамиша хушёр, кузатувчан ва ҳалол бўлиши лозим. Баҳром Қўзибоев Куйичирчик тумани ИИБ ЖК ва УЖҚҚБда хизмат қилиш жараёнида тезкор ходимдан талаб этиладиган хусусиятлар, хизмат фаолияти давомида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатларни устозлари, подполковник Сайфиддин Эргашбоев ва ҳозирда истеъфодаги майор Ривож Норбековлардан пухта ўрганди.

Ўтган йилнинг 5 декабрь куни эрта тонгда бир аёл ички ишлар бўлимига юз-кўзлари кўкарсан, кийимлари йиртилган бир аҳволда кириб келади. Маълум бўлишича, уни йўлда икки нафар йигит дўпослаб, хушсиз ҳолда далага ташлаб кетган экан.

Тезкор гурух таркибида воқеа тафсилотларини ўрганганди Баҳром Қўзибоев зудлик билан ишга киришибди. У жабрланувчининг сўзлари асосида гумонла-нучиларнинг тахминий юз тузилиши, бўй-басти, кийимлари ҳақида маълумотга эга бўлди. Атрофдаги ўсмир-ёшларнинг юриштуриши, касб-хунарлари, ўқиш ёки ишга бориб-қайтадиган вақтларини ўрганди. Шу кунларда ҳеч уйдан чиқмаётган, ўзини «қўй оғзидан чўп олмайдиган» қилиб курсатаётган икки дўстнинг ўзини тутиши Баҳ-

коzonди. Ҳамкасларининг хурмат-эътиборига сазовор бўлди. Орадан кўп ўтмай уни Наврӯз шаҳарасидаги Оллаберган Дўстчонов номли маҳаллага профилактика инспектори этиб тайинлашиди. Ўғирлик, гиёҳвандлик жиноятлари тез-тез содир этилаётган

лик билан фош этишга ҳаракат қилди. Олиб борилган бундай саъй-харакатлар ўз самарасини берди. Содир этилаётган жиноятлар йилдан-йилга камая борди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса биронта жиноят ҳам содир этилмади. Бундай ижобий натижаларга эришишда маҳалла фаоллари Қуронбой Кенжаев, Эгамберган Матёкубов, Отажон Эшметов, Саъдулла Ражабов, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Наврӯз Обидовнинг хизматлари катта бўлди.

— Маҳалламизда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро профилактика катта инспектори, майор Ҳожибий Болтаевга қадрдан бўлиб қолган, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Отабой Сапоев.

— Чунки, у мана ўн йилдирки, маҳалламиз осойишталигини таъминлашда фаол хизмат қилиб келмоқда. Маҳалламиздаги тую томошалар у кишисиз ўтмайди. Ҳожибийнинг яна бир ажойиб фазилати хушумомала, одамоҳун йигит. Доимо одамларга ёрдам беришга ҳаракат қиласи. Очиги, ҳалқ осойишталиги йўлида тинмай хизмат килаётган бундай фидои инсон билан фархланамиз.

Бахт меҳнат қилган кишига насиб этади, дейишади. Профилактика катта инспектори, майор Ҳожибий Болтаев ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў, эътибор топди, ҳалқнинг назарига тушди. Яқинда унинг ҳаётида яна бир кувончи воқеа рўй берди. Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан майор Ҳожибий Болтаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,
Ўз мухбиришим.**

Хоразм вилояти.



ЭЛУ ЮРТ ХИЗМАТИДА

қўзим тушиб қолди. Унга пешвоз чиқдим ва мақсадимни тушунтиридим. Гапларимни дикқат билан тинглаган оқсоқол таклифимни кўллаб-куватлади. Ўша куни тунда маҳалла фуқаролар йигини раиси билан маҳаллани айланиб, ўсмирлар билан сұхбатлашиб чиқдик. Эртасига эса маҳалла фаоллари йигинини чақириб, кучава хонадонлар атрофини ободонлаштириш, турли мевали ва манзарали даражат кўчатлари ўтқазиш ҳамда бу ишга ўсмирларни жалб қилиш масаласини ўртага ташладик. Қолаверса, ўшларнинг бүш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига мактаб педагогик жамоасини ҳам жалб этдик. Шундан сўнг вақтини бехуда ўтказаётган ўшларимиз турли тўгаракларга қатнайдиган, фойдали машгулотлар билан шуғулланадиган булишиди.

Хизматда самарали натижаларга эришаётган катта лейтенант Ҳожибий Болтаев шаҳар ИИБ раҳбариятининг ишончини

бу худуд профилактика инспекторидан ниҳоятда жиддий иш олиб боришини талаб этарди. Шундай ҳам бўлди. Капитан Ҳожибий Болтаев ишни гиёҳвандликка мубтало бўлган фуқароларни мажбурий даволаш мусассасига ётқизишдан бошлади. Сўнгра муқаддам судланган ҳамда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан тез-тез сұхбатлашиб, профилактик тадбирлар олиб борди. Содир этилган жиноятларни тезкор-

ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАГАНЛАР

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида түғилган Баҳром Қўзибоев оиласида катта фарзанд бўлганлиги боис отаси Баҳодир ака унинг жасур ва журъатли йигит бўлиб камолга етишини истарди. Баҳромнинг ўзи мактабда ўқиш билан бирга спорт тўгаракларига қатнашиши кандай килмасди. Бўш пайтларида эса детектив фильмларни томошча қиласи, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишга уриниб кўрарди. Бу кизиқиши уни ИИБ Академияси сари етаклади. 2002 йилда ўқишни тутгатиб, ўзи орзу қилган соҳада фаолият бошлади.

ромда шубҳа уйғотди. Гумондорлар Е. Раҳим ва К. Азим билан сұхбатлашгач, ҳаммаси ойдай равшан бўлди. Улар қилган жиноятига икрор бўлишиди. Ҳали, ўн гулидан бир гули очилмаган бу ёшлар, аёлни зўрлаб, пулни кўлга киритиб бўлгач, обдон дўпослашади. Ҳушидан кетгач эса, ўлди деб ўйлаб дала-га ташлаб, воқеа жойидан фойиб бўлишиди.

Куйичирчик тумани ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ катта тезкор вакили, капитан Б. Қўзибоев ёш бўлишига қарамай ўз хизмат фаолияти давомида сезиларни ютуқларни кўлга киритиб келмокда. Унинг жиноятчиликка қарши кураш ва юз берган жиноятларни тезкорлик билан фош этишдаги намунали хизматлари муносаби баҳоланди. У халқимиз осойишталигини таъминлаш ўйлидаги ҳамда хизмат бурчани бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намуналарини кўрсат-

гани учун Мустақилликнинг 18 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

...Куйининг аёзли тонгларидан бирида Куйичирчик туманида яшовчи фуқаро Эргаш Бобоев молларига ҳашак ташлаш мақсадида оғилхона эшигини очди-ю, икки башновоснинг жойида ўқилигини кўриб «капалаги учб» кетди. Балки, арқонидан ечилиб кетгандир, дея атрофни излади, кўни-кўшнилардан суриштириди, дараги топилмагач, ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Тез орада ушбу молларнинг далада сўйилиб, гўштлари олиб кетилганлиги маълум бўлди.

Бу орада Куйичирчик ва Оққўрон туманларининг турли ҳудудларидан ўғирланган бир неча башни, сигир ва новвослар ҳам шу тариқа йўқ бўлди. Ажабланарли жиҳати

вакиллари ҳам анойилардан эмасди. Тез орада жиноятчиларнинг қандай автомобилдан фойдаланаётгандарни маълум бўлди. Калаванинг учи топилганда эди. Тез орада ушуган жиноят гурух ҳам кўлга олиниди.

Маълум бўлишича, бир неча кишидан иборат жиноят гурухга Нуриддин Тўланов бошчилик қилган. Бир ярим йил давомида жами 21 баш чорва молларини яширин равишида ўғирлаб, сўйиб сотиб юборишиган.

— Жиноята албатта, жазо мукаррар, жиноятчи қачон бўлмасин бариб кўлга тушиди, — дейди капитан Б. Қўзибоев. — Жиноят содир этилиши учун жиноятчига куляй фурсат керак бўлади. Бепарвонлик ва лоқайдлик эса, уларга ана шу имкониятини яратади. Ҳар бир фуқаро ўзи, мол-мulkларига эътиборли бўлиб, хушёрликни бой бермаси, жиноятчиларнинг йўли тусилади.

Баҳром Қўзибоев каби бурчга садоқат билан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш йўлида виждан хизмат килувчи юрт послонларидан сўйиб, факат гўштларининг олиб кетилиши ўғирларнинг изига тушишга имкон бермасди. Бирок гурух

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

ФАВҚУЛОДДА САММИТ БЎЛИБ ЙУДИ

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Брюссельда Европа Иттифоқининг фавқулодда саммити бўлиб ўтди. Унда Белгия бош вазири Херман ван Ромпей ЕИИнг биринчи президенти этиб сайланди. У яқинда қабул қилинган Лиссабон шартномаси талабига кўра, 2010 йил 1 январдан иш бошлади.

Саммитдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Херман ван Ромпей ўз фаолияти давомида иқлим ўзгаришлари муаммоси ва ижтимоий тараққиёт масалаларига алоҳида эътибор қаратишни таъкидлади.

ЯНГИ СУПЕРЛАЙНЕР

«Airbus A380» суперлайнери Париждан илк марта парвоз килиб, Нью-Йоркнинг Кеннеди аэропортига кўнди. Кейинги йилининг февралидан эса янги лайннер Йоҳаннесбург ва Токиога ҳам парвоз қила бошлади.

«Airbus A380» бир вақтнинг ўзида 853 нафар йўловчими ўз манзилига етказиб қўяди. Унинг узунлиги 73 метр, эни эса 24 метрни ташкил этади.

ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИГА ҚАРШИ

Украина Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаси денгиз қароқчиларига қарши курашиш учун Африканинг Фил суюги кўрфазига тинчликпарвар кучларни жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Украиналик ҳарбийлар Европа Иттифоқи томонидан қароқчиларга қарши ўтказилаётган «Атланта» амалиётида иштирок этади.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Адан кўрфазида сомалилик қароқчилар фоалиятига батамом чек қўйилмаган. Улар томонидан ҳамон талончиликлар содир этилиб, кемалар гаровга олинмоқда.

ШАХТАДА ПОРТЛАШ

«France Presse» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Хитойнинг Хайлунцян музофотидаги кўмир шахтасида ҳалокат юз берди. Портлаш оқибатида 104 нафар киши ҳалок бўлган. 29 нафари эса бедарак йўқолган. Ушбу кўнгилсиз ҳодиса мамлакат тоғ-кон саноати тарихидаги энг йирик ҳалокат, деб изоҳланмоқда.

ПАРОМ ЧЎКИБ КЕТДИ

«France Presse» ахборот агентлигининг хабарига айтилишича, Суматра оролларида йўловчи паромнинг чўкиб кетиши оқибатида 21 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмди. 232 киши эса кутқариб олинди.

Маълумотлардага айтилишича, паром бортида одам кўплигидан чўкиб кетган.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ВАТАН ЎГЛОНЛАРИН ҮНУТМАС

«Янгиободдаги воқеаларга доир. Аввал хабар килинганидек, 1999 йилнинг 15 ноябрь куни 14 кишидан иборат қўпорувчилар тузилмаси Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли яшаш пункти атрофида террорчилик харакатларини амалга ошириди...»

Уша кезлари газета саҳифаларида эълон килинган мақоладан урин олган бу жумлаларни ўқиган ҳар бир кишининг юрагига титроқ тушиши табиий. Зотан, аждодларимизнинг асрий орзусини рӯёбга чиқариш, мустакиллик неъматининг тотли таъмини юрак-юракдан хис қилиш, ўз қадрятларинг, тарихинг, маданиятинг илдизларини англаш ва фахрланиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Кийинчиликлариз озодликка эришиб, узоқка бора олмайди, дейя калта ўйлаб, тез орада турли бўхонлар сисиласида парокандаликка юз тутишимизни кутиб алажираётган фанимлар ниятлари чиппакча чиқаётгани, халқимиз қатъий, мард, иродали ва одил раҳбар бошчилигига муштарак мақсад сари интилиб яшаетганини кўргач, жазавага тушиди. Уларнинг ич-этини гараз ва ҳасад кемириб, энг тубан йўл – тинч аҳолининг осойишталигига раҳна солиши йулини танлаши. 1999 йилнинг февраль ойида Тошкентда содир этилган террорчилик харакатлари бунга мисол бўла олади. Ҳалқ қалқиб, янада жисплашгани, йўллари тусилганини билган бир туда ғаламислар юртимизга қорли тоғлар оша сукилиб кириши.

Маълумки, Янгиобод пойтакт вилоятининг тобли худудида жойлашган. 1999 йилнинг ноябрь ойида тиш-тирниғигача қуролланган кимсалар мамлакатда ҳукм сурәттган барқарор вазиятни издан чиқариш, ҳалқ орасида вахима ва тартибсизликлар юзага келтириш, стратегик аҳамиятга эга иншоотлар, коммуникациялар, ижтимоий-маданий масканлар фолиятини издан чиқариш мақсадида пусиб келиб, бўш қолган дала ҳовлиларга жойлашиб олиши. Гурухларга бўлинган террорчиликларнинг бир қисми Янгиобод шаҳри томон пинхоний равишда йўл олди. Бироқ ҳушёр маҳаллий аҳоли вакиллари бегоналарни дарҳол илғаб, бу ҳақда тегишни идораларга хабар бериши.

– Дала ҳовлиларга ин курган қуролланган босқинчиларни йўқ қилиш учун тузилган сафар-барлик гурухидаги Ички ишлар вазириллигига тегиши ҳарбий қисм командиригининг жанговар тайёргарлик буйича ўринбосари, капитан Равиль Васильев, ҳарбий қисм катта йўриқчиси, катта праторщик Владимир Воронов, ИИВ КР ва ТҚКББ тезкор вакили, старшина Раҳимжон Тўлагановлар ҳам бор эди, – дейди ўша воқеаларни хотирлар экан ИИВ Қоровул қўшинлари боз бошқармаси ахборот-тахлил бўлими катта офицер-юристи, подполковник Р.Косимов. – Гурухимиз қалин қор билан қопланган уч минг метрли баландлик сари харакатланади. Душман ишғол кўлган дала ҳовлилар ўраб олинди. Белгиланган манзил томон етиб бора олмаслигини сезган газандалар жазавага тушиб, қуроллардан бетартиб ўт оча бошлиши. Жанг бир қанча муддат давом этиб, террорчиликнинг бир гурухи йўқ қилинди.

Суҳбатдошимиз ўзи учун азиз бўлиб қолган ҳамкасларининг ўлими ҳақида гапиришни истамаётгандек, жим қолди. Гүё уларни ҳалқ бўлди, деса хотираси ҳам йўқликка сингиб кетадигандек.

– Босқинчиларни ер тишлатанимизда кўнглимиз хотиржам

– Эрим доим: «Мен қаримайман, ҳамиша шундайлигимча қоламан», дерди ҳазиллашиб. Ўша тонг хизматта кузатар эканман: «Кел, бир суратга тушириб қўй» деб фотоаппаратни у томонга тўғриладим. Ўшанда: «Агар бошимни яна кўринмайдиган килиб оладиган бўлсанг, кўрасан» дейа ҳазил арапаш пўписа қилганди. Мана ўша охирги сурати, – дейа у Равильнинг кимонода, бутун бўй-басти билан тушган суратни узатди. – Афсуски, буни кўриш ўзига насиб этмади.

йўриқи лавозимида фаолият курсатса бошлаган Владимир тиришқоқлиги, ҳар дақиқада дўстларга ёрдамга шай туриши, топширикни маромига етказиб бажариши билан катта обру-этибор қозонди.

– Владимир ўта хушчақчак, бағрикен, ишончли дуст бўлишига қарамай, ишда йул кўйилган ҳаттоларни кечирмасди. Нихоятда талабчан, бир сўзли бўлиб, дилингиздаги губорларни юваб, далда беришини ҳам ўрнига кўярди, – дейди полковник В. То-

ган барча хусусиятлар мавжудлиги туфайли ишга тез қабул қилиши. У республика ИИВ КР ва ТҚКББ тезкор вакили лавозимида иш бошлади.

– Ҳар гал ишдан энтикиб, олам-олам таассуротлар билан қайтарди, – дейди кўзларидан оқаёттан ёшли тұхтата олмаётган онаси Гулчехра опа. – Шундай нуфузли идорада ишлайди- ўш боладек ўзини тушиши, кувоннинг тұла ўзини кўриб, ички ишлар идорасида ишлаш биз ўйлаганчалик ўта оғир, хатарли зemas-

ортиқ кўрадиган синглиси Гузал бетоб бўлиб қолди. Бу икки дардини кутариш ота-онани, айниқса, Карим акани буткул эзиз юборди. Хайриятки, битта-ю битта қизимдан ҳам айрилиб қоламани, деган азоб отда бошлади.

– Отаси Раҳимжонни ҳаддан ортиқ яхши кўрар, у фахри, суюнчи, тириклигининг мазмунни эди, – охиста сұхбатни давом эттириди Гулчехра опа. – Мен-кутурли касалликларни орттириб, айрилиқ да дош бердим, аммо отасининг бардоши етмади. Раҳимжоннинг вафотидан кейин бир йил ўтар-ўтмас у кишини ҳам қабрга қўйдик.

Гулчехра опа яна нималарни дир сўзлагиси келди-ю, аммо

ЭЛИМ АЕД ЖОНААН КЕЧГАНЛАР



Дўстлар хотираси муқаддас.

миздаги дала ҳовли ичидаги пусиб, пайт пойлаб ётганинг ҳам ҳаёлига келиби дейсиз. Улар аниклангангач отишмалар яна давом этди. Душман билан юзма-юз кечган шиддатли жанглар Рафиль, Владимир, Раҳимжондек мард ва жасур йигитларимизни орамиздан олиб кетди.

... Рафиль Васильев 1965 йили Чирчик шаҳрида туғилиб ўди. Ўрта мактабни битириб, ёшлигидан спортта меҳр кўйганлиги боис Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўшига кирди. Уни битириб, бир мунча вакт мактабда жисмоний тарбиядан дарс берди. Спорт усталигига номзод, каратэ буйича қора белбог соҳиби бўлган Рафиль 1993 йилда ички ишлар идоралари тизимиға хизматга кирди.

– Рафиль камсукум, атрофдагиларга талабчан, аммо меҳрибон ва очиқкўнгил ҳодим, ҳақиқий дўст эди, – дейди ўша таҳликли дамларда маҳсус гурӯҳ раҳбари сифатида у билан елкама-елка жане қўлган полковник А. Ахмедбаев. – Янгиобод воқеаларида ҳамкасларини ажаломидан асрарни ўз бурчи деб билар, шу боис олдинги марarda туриб, ҳайқмай душман ўқига жавоб қайтарарди. – Ҳар байрам ва маросимлар-

жибоев.– Қандай вазифа топширилмасин ўз вақтида ва аъло даражада бажарарди.

Янгиобод шаҳрида кечган мудхиш воқеа чоғида Владимир ўзини четга олиб турса ҳам бўларди. Аммо ундаги фидойилик, мардлик ўлимдан устун келди. Террорчи-



Ҳарбий қисм ҳовлисида ўрнатилган ёдгорлик.

юқтиримай, эъзозлаб келаётган, турмуш кемтиклиарни ширин хотиралар ёди билан «ямаб» ўтётган бу камсукум аёл турмуш ўртоғидан кам жасорат кўрсатмаётгани дилингдан кечади.

– Ҳар байрам ва маросимлар-

лар билан бўлган жангларда Владимир қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бугун унинг хушчақчак кулгулари, ов ҳақидаги ҳангомалари, ичакуди латифалари, инсоний фазилатлари ён-атрофидаги одамларда илиқлик ўйғотувчи ширин хотира бўлиб қолди.

Онада ёлғиз ўғил бўлган Раҳимжонни ота-онаси эркалаб ўстирмади. Айниқса, буваси Исмоил ота болани бўш колдириш яшилика олиб келмаслигини айтиб, уни спорт тўтарагига етаклаб борди. Ҳар гал у мусобақаларда фахрли ўринларни кўлга киритиб, ҳали Фахрий ёрлиқ, ҳали нишон билан таҳдирланиб, уйга ўзида йўк шод келишини кўрган Карим ака ва Гулчехра опаларининг бир кувончи мингта айланарди. Бокс буйича шаҳар чемпиони, каратэ, таэквандо, кўл жангига муносиб ютуқларга эришган Раҳимжон Тошкент автомобиль йўллари институтида ўқиш билан бирга, атроғига маҳалла болаларни йигиб, бепул мураббийлик қўлларди.

– Раҳимжон тенгдошлари орасида алоҳида ажralиб турар, бўш вақти фойдали машғулотларга таҳсиланганди, – дейди тоғаси Йўлчиров ака Раҳимжон. – Синглиси Гузал ва ота-онасини еру кўкка ишонмасди. У нафқат яқинлари, балки маҳалла болаларни йигиб, бепул му-

шоддийлик қўлларди.

Раҳимжон Тўлаганов 1975

йилда Тошкентда туғилиб ўди. Тошкент автомобиль йўллари институтида ўқиш билан бирга, атроғига маҳалла болаларни йигиб, бепул му-

шоддийлик қўлларди.

Раҳимжоннинг ўт юраклиги, қайнок қалби, мардлиги ва шиҳоати террорчиларни баттар талвасага солди. Улар ўзларига ҳалқнинг нафраси ҳам қўшилган ўқларни моҳирли билан йўллаётган Раҳимжонни дала берганди. Аммо унинг ёшлик шиҳоати, Ватани, ҳалқи, ҳамкаслари олдида буричи барбири устунлик қилди. У ўзи ният қилганидек қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди.

Раҳимжоннинг ўт юраклиги, қайнок қалби, мардлиги ва шиҳоати террорчиларни баттар талвасага солди. Улар ўзларига ҳалқнинг нафраси ҳам қўшилган ўқларни моҳирли билан йўллаётган Раҳимжонни дала берганди. Истиқол душманларини енгиз учун ёшлигига, умри ва орзу-истакларидан воз кечган қаҳрамонларнинг юксак инсоний фазилатларини кўрсатди.

Тоғларни қаричлаб ўлчаб бўлмайди, ё шунчаки забт этишининг имкони йўқ. Йиллар силсиласида у кўкларга тик боқиб, виқор билан абадий тураларди. Мардлик ҳам ана шундай. Унинг ўчлови йўқ. У Ватанига бўлган меҳр, мұхабbat, вафо ва садоқатнинг ифодасидир. Зотан, Р. Васильев, В. Воронов, Р. Тўлагановлар Президентимизнинг Фармонига мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланиши. Улар хизмат ўтаган ҳарбий қисм ҳовлисида ёдгорлик мажмуси ўрнатилиди. Куни кечаси Янгиобод шаҳрининг террорчилар билан жасорат, фидойилик намуналарини кўрсатиб, ҳалок бўлган Р. Васильев, В. Воронов, Р. Тўлагановлар Президентимизнинг «Зокир ака, жанг қилиш кинодагидан тамоман фарқ қиласлар экан. Мен бўлсан кинолардагидек ҳаракамонлик кўрсатаман, деб ўйлабман», деганди. Унинг ўзи таҳсилчиларнинг соҳада ишлаётганидан мамнунлиги барчамизга дадла берарди. Кўп ўтмай билимни бойитиш учун ИИВ Академияси га ўкишга кириш нияти борлиги нийти айтди.

Раҳимжон тиришқоқ, очиқкўнгил, самимийлиги билан тез орада ҳамкасларни хурматини козонди.

– Янгиободда террорчилар



Марҳум Р. Васильевнинг оила аъзолари билан тушган сурати.

сақлаб қолди, бироқ дўстлари ва юртошлари тинчлиги йўлида ўз жонини кўрбон қилди.

Чирчиқ шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бири. Унда умр йўлдоши билан севишиб турмуш курган, ҳар кеч кизи – отасини фақат суратларда, гоҳида тушла-рида кўриб, ҳамон унга таллинидаги яқилю ягона ёдгорлиги Рената билан суратда кулиб турган сиймога қайта-қайта термумлиб, унинг меҳрибон ва олижоноб инсон бўлганлигини гапиришдан чарчамайдиган аёл яшайди.

да ҳамкаслари йўқлаб туршиади, – дейди Гулнора. – Албатта, бундан кўнглимиз тогдек кўтарилади. Эримнинг нафқат мен ва қизим, балки ҳамкаслари юрагидаги ҳам яшаетганини билишининг ўзи бир олам кувонч баҳш этади.

Чимкент вилоятида 1961 йилда таваллуд топган Владимир Воронов ёшлигидан ҳарбий хизматни билишини орзу қилиларди. Бу истак уни 1986 йилда ички ишлар идораси тизимиға етаклади. Ички кўшинлар сафида катта

— Ҳозир ҳам тўкис кийиниб, яхши еб-ичишимиз мумкин. Фақат қалтис томонини хисобга олиш керак бўлади.

— Қандай қалтис томони? — қизиқиб савол берди Мурод.

— Ўғрилик қиласак бўлмайди, — Мирали гапнинг дангалини айтиқолди. Сунгра қўшиб қўйди: — Бунинг айби йўқ. Қўлга тушгудек бўлсан адабибиз, деймиз, кечирим сўраймиз. Розимисан?

— Розиман.

Кеч соат 20.00 ларда Илҳом Жўраевнинг уйи атрофига тортилган сим тўр устидан шарпалар ошиб ўтди. Улар бирин-кетин хоналардаги буюм-

лар, DVD плеери, иккита мусикий марказ ва битта микрофонни қўлтиққа уриб, «куён» бўлишиди.

Ўмарилган нарсаларнинг тақсимоти қизиқ кечди. Мирали «ўлжа»ни уйига элтиб кўиди. Бунинг эвазига Муродга уяли телефонини берди. Сунгра турмуш ўртоғини бу буюмларни уяли телефонига алмаштирганига ишонтириди. Яна пул бериши кераклигини гап орасида қистириб ўтди. Аёллар эрларига ишонувчан бўлишиди. Миралининг рафиқаси 50 минг сўм пул берди.

Орадан йигирма кун ўтиб, ҳамтовоқларнинг яна кафти «қичиб» қолди. Бу сафар Когон тумани Янгийўл қишлоғига йўл олишиди. Улар «гушт маҳсулотлари» дўконига дераза орқали кириб темир сейфдан 300 минг сўм пул, «Компьютер хизмати» дўконидан эса «Пентиум-4» русумли компютер, электр печка, «МТС» ва «Билайн» уяли алоқа компанияларининг сим карталари, турли хил компютер ҳамда уяли телефонлар-

нинг мосламаларини ўғирлашиди. Шундан сўнг ҳамтовоқлар яна кенгашиб, мўлжални Бухоро шаҳридаги «Дилкуш» бозори яқинида жойлашган уяли телефонларни таъмирлаш устахонасига олишиди. Чунки бу ердаги телефонлар уларнинг «иштаҳа»сини очиб юборган эди. Улар 9 миллион 440 минг сўмлик маҳсулотни «гумдон» қилиб, жуфтакни ростлашиди.

Орадан атиги тўрт кун ўтиб, ўғрилар яна «ов»га чиқишиди. Бу гал ҳам ишлари бароридан келди. Шоввоздар Когон шаҳри Бухорошоҳ қўчасидаги Мехридин Мавлоновга тегиши савдо дўконига келишиди. Дўконнинг орқа томонидаги деразада ўрнатилган темир панжарани лом билан қўпориб бузишиди, сўнгра турли русумли жами 34 дона уяли телефонлар, турли хил мосламалар, карточкаларни гумдан қилишиди. Ўғирланган «мол»ларнинг умумий баҳоси 9 миллион 600 минг сўмга тенг эди.

Ўғрилар бирор жойни тунашдан олдин бир неча кун эринмасдан кузатиб, қуайликлар излаб, режалаштиришарди. Улар Бухоро шаҳри С. Муродов кўчасидаги Мухитдин Салиҳовнинг дўконидаги телефон аппаратларни ҳам ўғирлаб, унга 1 миллион 616 минг сўмлик моддий зарар етказишиди.

Когон шаҳар ИИБ ходимлари гумондорларни аниқлашва қилмишини фош этиши учун фаол ҳаракат қилишиди. Натижада тез кунлар ичидаги Мирали, Б. Мурод ва уларнинг шериги Р. Феруз ўғрилик устидаги ушланиб, қилмишлирига яраша жазо олишиди.

Хамза КУРБОНОВ.
Мирзо АХАД.
Бухоро вилояти.

тор Абдуллаевлар томонидан ушланди.

3 октябрь куни Қўқон темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари юк вагонининг қопқоғини очиб, 1450 кг. цемент ўғирлаган фаргоналик Ю. Баҳодирни кўлга олишиди. Ҳозирда теров ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, гиёхандлик, фирибгарлик, ҳужжатларни қалбакилаштириш, қонунга

хилоф равишда чет элга чиқиши, ўғирлик каби жиноятлар фош этилди. Гиёхандлик ва психотроп моддаларни четдан мамлакатимизга олиб киришга уринишлар ҳам аниқланиб, олинган моддалар йўқ қилинди. Юрт тинчлиги, аҳоли хавф-сизлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган бундай ишлар давом этмоқда.

Ходимлар «Тозалаш — Ан-

тигеррор» тадбирида ҳам фаол иштирок этишапти. Уларнинг саъи-ҳаракати билан бир қатор жиноятлар «иссиқ изида» фош этилди. Жумладан, шу йил 18 август куни Бофот туманида яшовчи У. Матякубов 4,2 грамм марихуанани пуллаётганда Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ЖҚ ва УЖҚБ тезкор вакиллари, капитан Жаҳонгир Абдуллаев ҳамда катта лейтенант Темур Раҳимов томонидан кўлга олиниди. Унинг ўйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда томорқасида 27 тут канабис ўсимлиги ўстираётгани, ҳовлисида эса 1 кг. 693,5 гр. кутилган канабис ўсимлигини сотиш мақсадида сақлаф кўйгани маълум будли.

22 август куни «Москва — Самарқанд» йўналишида қатновчи самолётда учеб келган, Самарқанд туманида яшовчи Д. Б. 96 дона психотроп воситасини яширип равишда республикамиз ҳудудига олиб ўтётганида бу ҳолат изкуварларнинг наридан четда қолмади.

Қўриниб турибиди, эл тинчлиги ва осоишишалигини сақлаш, жиноятларни фош этиши борасидаги тезкор ходимлар томонидан олиб борилаётган саъи-ҳаракатлар ўз самарасини бермади.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,
«Постда» мұхбари.
Элмурод ҚУЗИЕВ,
катта сержант.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Поп туманида хунук воқеа юз берди. Яхшиямки, тажрибали шифокорларимиз пичоқланган жабрдийданинг ҳаётини сақлаф қолишига муваффақ бўлишиди.

Спиртили ичимлик инсон ҳаётига рахна солишини барча яхши билади. У туфайли тортилган жабр-ситамлар ҳақида кўп гапирилган. Аммо айрим фуқаролар буни билсалар-да, ичкиликни истеъмол қиласавадилар.

БИР ЗУМДА... ФОЖИА

Расул ўша куни уйида уста ишлатди. Усталар қурилиши тугатишар экан, ҳордик чиқармоқчи бўлишиди. Замира уларга дастурхон ҳозирлadi. Чой, овқат олиб келинди. Аммо спиртили ичимликни қачон, ким олиб кирганини билмай қолди. Усталардан бири вақти зикроқлигини айтиб, тановулдан сўнг кетиб қолди. Иккинчиси билан ўй эгаси кечгача отамлашиди.

— Хотин, мен меҳмонни кузатиб келаман, — деди ниҳоят умр йўлдоши уста билан қўзгалир экан.

— Майли.

Аммо шу тобда Замиранинг ичига чироқ ёқса ёришмас эди. Ўзи ҳомиладорлиги учунми, кундузги чарчоқ, қолаверса, эрининг ҳозирги қўриниши асанни бузди. «Ухлаб ола қолай, келганида жанжаллашиб юрмай», деди-ю кўрпага ўранди.

Расул устани кузатаркан, нағси яна ҳакалак отди. У кўча бошидаги тижорат дўконидан икки стакан ароқ олди-ю, зумда бўшатди. Орадан бир соатлар ўтгач, уйига кириб борди. У ёёқда зўрга турар, хотинидан пул сўрашни қўймасди.

— Мен кетаман, сиз ётиб ухланг, эрталаб кайфингиз тарқаса гаплашамиз, — деди Замира ва ташқарига чиқиб кетди.

Унинг бу ҳаракати Расулни

баттар қутуртириди. Жанжал учун баҳона топилиб, хотинини ҳақоратлай бошлади. Асаби тарангашган Замира ҳандай хаёлда ошхонага борди, кўлига нима ниятда пичоқ тутди, билмайди.

— Ҳозир йўлимдан қочмасангиз, пичоқни суқиб оламан, — деди у эрига дағдага қилиб.

Аммо Расул қўрқадиган, хотинининг ҳозирги ҳолатини тушунадиган аҳволда эмасди. Шу бойи ҳам хирагини кўймади, қайтанга авжига чиқди. Замира эса... Ўзи билмаган ҳолда эрининг кўксига пичоқ санчди. Ҳатто қайси томонга урганини ҳам билмайди. Эрини ўлдиришнияти йўқ эди. Шу бойи ҳам воқеа содир бўлгач қўрқиб кетиб, жонҳолатда уни шифохонага етказди.

Бу фожия нега юз берди? Жавоби, гувоҳи бўлганингиздек тайин. Иччилик кишини ҳатто ўзига жавоб беролмайдиган даражада асабий ҳолатга тушариши мумкин. Юз берган мазкур ҳодиса фарзандларимиз, турмуш ўртоғимиз, яқинларимизга сабоқ бўлишидан умидвормиз. Зоро, кўза кунда эмас, кунида синади. Ароқ эса ҳеч қачон яхшилик келтирган эмас.

Элмурод ТУРДАЛИЕВ,
капитан.

Наманган вилояти.

СПОРТ ... СПОРТ

УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ

БЎШ КЕЛМА, АЗАМАТ!

Учтепа тумани ИИБ ЁХБ 1-ҲЕХО 1-ҲЁҲК смена бошлиги, катта лейтенант Азамат Курбонов ўзига биринчирилган вазифани аъло даражада бажарганидан сунг Тошкент шаҳар ИИБ жисмоний ва жанговар тайёргарлик марказига ошиқади. Севимли машгулоти – спорт билан мана шу ерда шугулланади.

– Ёнгин учирувчи аввало, жисмонан чиникан булиши лозим, – дейди у. – Бунинг учун мунтазам спорт билан шугулланиб туриш керак. Негаки жисмоний ва касбий тайёргарлиги юксак ходимгина ҳар қандай қийин вазифаларни уддайлайди. Спорт хизмат жараёнимда жуда күл келмоқда.

Қаҳрамонимиз Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. Отаси Шоғиёс ака хайдовчи булиб ишлади. Онаси Ольга уй бекаси. Фарзанди Азаматдаги спортга бўлган қизиқиши пайқаган Шоғиёс ака ўзини бокс тўгарагига беради. Спорту махри бўлакча ўн ёшли болакай дастлабки кўнімаларни мураббий Ҳабибулло Усмоновдан кунт билан ўргана бошлади. Аста-секин тинимсиз олиб борилган машгулутлар ўз натижасини курсатди. 1998-2000 йиллар давомида ўсмиirlar ва ёшлар ўртасида ташкил этилган бокс бўйича мамлакат биринчилиги баҳсларида чемпионликни кўлга киритди. Спорт устаси деган номга сазовор бўлди.



Азаматнинг болалигида орзу – ички ишлар идоралари ходими булиш 2001 йилда амалга ошиди. Айнан шу йили у республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг курсанти бўлди. Олий мактабда ўқиш давомида спортни ташлаб қўймади. Бу ерда мураббий майор Мурод Худойқуловдан кунт билан ўрганди. Вазирлик тизимида, мамлакат чемпионати ҳамда халқаро турниларда фаол иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишга

муваффақ бўлди. 2004 ва 2005 йилларда Тошкент шаҳрида кўл жанги бўйича ўтказилган халқаро мусобақада 85 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини доғда колдириб, шохсупанинг ёнгюкори погонасидан жой олди. 2007 йилда Тошкент шаҳар хукуки муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ўтказилган Спартакиада баҳсларининг кўл жанги беллашувида 90 килограмм вазн тоифасида тенгсиз эканлигини исботлади. Шунингдек, ўша йили бўлиб ўтган кўл жанги бўйича халқаро турнирда бронза медали соҳиби бўлди.

– Азамат ўз устида тинимсиз ишлайдиган, тиришқоқ спорти, – дейди Тошкент шаҳар ИИБ жисмоний ва жанговар тайёргарлик маркази мураббийи, капитан Р. Усмонов. – Машгулутларни ўтказиб юбормайди, балки ўз вақтида бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатиб келмоқда. Келажакда Азаматдан умидимиз катта. Нуфузи халқаро турниларда юртимиз шарафини муносиб химоя қиласди, деган умиддаман.

Зоро, ходимда чидамлилик, фидойилик каби фазилатлар мухассам экан, одига қўйган юксак мақсадлар сари дадил одимлавради.

Биз ҳам унга «Бўш келма, Азамат!», сени янги мэрралар кутмоқда, дегимиз келди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.
Тошкент шаҳри.

ЭЪТИРОФ
РАВШАН ЭРМАТОВ – ҚИТЪАНИНГ ЁНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Футбол конфедерацияси томонидан 2009 йилги футбол мавсумининг турии номинациялари бўйича голибларни тақдирлаш мақсадида ташкил этилган тантанали маросимда ФИФА рефери -си Равшан Эрматов кетмакет иккичи маротаба кўтамизнинг «Ёнг яхши ҳаками» деб эълон қилинди.

Равшан Эрматов 2003 йилдан бўён Халқаро фут-

бол ўшуомаси федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келади. 32 ёшли ўзбекистонлик ҳакам

БОКС**ШОХСУПАДА – ДИНАМОЧИЛАР**

Жиззах шаҳрида бокс бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, мазкур мусобақада динамочиларимиз мувоффакиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиши.

48 килограмм вазн тоифасида динамочи А. Латипов барча рақибларни енгил, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ш. Исоков (51 кг.), Ш. Абдуллаев (75 кг.), А. Курбонов (81 кг.), М. Абдуллаев (91 кг.), А. Муралимов (+91 кг.) ўз вазн тоифаларида шохсупанинг ёнгюкори погонасига кўтарилиши.

Шунингдек, динамочиларимиздан Б. Машрапов, Х. Холмуродов, Б. Юнусов, О. Мамазулонов, Э. Гумов, Э. Салаев, Э. Каримов, Ф. Ҳасанов, Р. Бегиев, Х. Алимердаев, О. Ибрагимов, С. Мамажонов, А. Жумабов, Б. Якубов, У. Туракуловлар совриндорлар сафидан жой олиши.

Голиб ва совриндорлар Фахрий ёрлик ҳамда кимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши.

Ўз мухбириимиз.

ЭРКИН КУРАШ

Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Унда барча вилюялардан келган ёш полвонлар голиблик учун гиламга тушишди. Кизгин ва мурасасиз беллашувларга бой бўлган мусобақада Хоразм вилояти ИИБ ёш динамочилари ҳам фаол иштирок этиб, фахрли уринларни эгаллашди.

НОДИРА – ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда Нодира Собирова 30 килограмм вазн тоифасида бўйича биринчи ўринни кўлга киритиб, олтин медалга сазовор бўлди. Бибижон Мадримова ҳамда Зухра Юсуповлар эса 40 ва 49 килограмм вазн тоифаларида бронза медали билан тақдирланиши.

Үгил болалар ўртасидаги беллашувларда Азамат Рўзметов, Шерзод ва Маркс Юсупов ўз вазн тоифаларида голиб бўлиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафга мусассар булиши.

Худойберган ЖАББОРОВ,
ўз мухбириимиз.

ЖАНГ СТАДИОНДА БЎЛАДИ

Бокс бўйича собик жаҳон чемпиони амриканлик Эвандер Холифилд ва Жанубий Африкалик боксчи Франсуа Бота ўртасида жанг бўлиб ўтиши резалаштирилмоқда. Мазкур жанг келаси ўиши 16 январь куни Уганданинг Кампала шаҳридаги стадионда бўлиб ўтади. Эслатиб ўтамиз, Холифилд профессионал рингда 54 та жанг ўтказиб, шундан 42 тасини (27 тасида нокаут қайд этилган) ўз фойдасига ҳал қилган. Бота эса боксдаги фаолияти давомида 55 маротаба рингга кўтарилиган бўлиб, 47 тасида (28 та нокаут) голиб бўлган.

**МЕЗБОИЛАР
УСТУН КЕЛДИ**

Норвегиянинг Бейтоштолин шаҳрида чанғи спорти бўйича жаҳон кубоги мусобақаси доирасидаги беллашувларни бўлиб ўтди. Эркаклар ўртасида бўлган 4x10 эстафета баҳсларида биринчи ўрин мезбонларга наисбет этиди. Мусобақанинг иккичи ва учинчи ўринларига россиялик ҳамда германлик чанғи усталиари муносиб деб топилди.

ҲАФТА ЙИНЧИЛАРИ

«Лейкерс» ва «Кливленд» жамоалари аъзолари Коби Брайант ҳамда Леброн Жеймс Миллий баскетбол ассоциацияси томонидан тугалланган ҳафтанинг «Ёнг яхши йинчилари» деб эълон қилинди. Брайант ҳар бир учрашувда камидан ўттиз очкан жамгарган бўлса, Жеймс ҳисобида йигирма тўқиз очко бор.

**ПОЛВОНЛАР БАҲСИ**

Жанубий Кореянинг Коян шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Аёллар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда қозғистонлик енгил атлетикачи З. Чиншанло 53 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлди. Чиншанло 129 килограмм вазнли штангани силтаб кўтаришда рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шохсупанинг иккичи ва учинчи погоналарни хитойлик ҳамда ко-реляик оғир атлетикачилар банд этиши.

**ФОЛИБ – «ДАЛЛАС» ЖАМОАСИ**


Миллий хоккей лигасининг анъанавий чемпионатида «Даллас» жамоаси ўзининг муз майдонида «Каролина»ни 2:0 ҳисобида деб қолдирди. Дарвозаларга киритилган шайбаларга Бенин ва Ричардс муаллифлик қилди.

**20 ЙИЛГА
МУСОБАҚАЛАРДАН
ЧЕТЛАШТИРИЛДИ**

«Liquigas» жамоаси аъзоси велопойгачи Жани Да Росни Италия миллий олимпия кўмитаси йигирма йилга дикквалификация қилди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мамлакат олимпия кўмитасининг бундай қарор чиқаришига спорчичининг кўп миқдорда допинг истемол қилганилиги сабаб бўлгани кўрсатилмоқда. Шунингдек, Да Рос мазкур такицланган воситани бошқа спорчиларга ҳам тарқатган ва истемол қилишини тақлиф этган.

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Инсон организми ўта таъсирчанлиги билан ажralиб туради. Тирик мавжудотлар ичida у ўзининг сезигирлиги, турли хил таассуротларга берилувчанилиги билан алоҳида ўтибор талаб килади. Турли хил ташки таъсирлар туфайли инсон баданидаги ҳарорат кўтарилади.



салликларини даволашда ҳамда қон тозаловчи ва сийдик хайдовчи сифатида ишлатилади.

Иситмани тушириш учун кариқиз ўсимлиги уруғини сутга солиб қайнатилидаги ва шу қайнатмадан беморга ичирилади.

Юқорида айтиб ўтилган ўсимликлардан ташки, иситмани тушириш

учун кўйидаги шифобаш ўсимликлар тавсия этилади: шотут, равоч, бешбарг, игир, чучукмия, туркистон адониси, кунгабокар.

Кашнич мевасидан 3 чой қошиқ микдорида олиниб, бир стакан қайнюқ сувда 15 дақиқа мобайнида дамланади, кейин докадан сузиб ўтказилиб, кунига 3-4 маҳал оч қоринга 2 ош қошиқдан ичилади.

Кора зиркнинг маълум микдордаги меваси енгил оловда қайнатилиб, қуоқ ҳолатга келтирилади, у шиша идишга солиниб, салқин жойда сакланади. Ишлатилётганда бир чой қошиқда олиниб, бир стакан қайнаган сувда суюлтирилади ва кунига 3-4 қошиқдан ичилади.

Иситмага даво ўсимликлардан яна бири қоратерак барг куртакларидир. Қоратерак Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилюяларидан: кўчаларда ва боғларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Тогли худудларда ёввойи ҳолда ҳам учрайди. Теракнинг барг куртаги эрта баҳорда (барг чиқармасдан олдин) йиғилади ва сояда қуритилади. Унинг таркибида эфир мойи, смола, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бар. Ҳалқ табобатида барг куртагидан тайёрланган дамлама иситма кўтарилиганда ҳароратни пасайтирувчи ва юрак фолиятини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Бундан ташки, барг куртагидан тайёрланган суртма даромада куртаги терини ҳам подагра, бод ва бавосил касалликларини даволашда ишлатилади.

Шукур ЭРГАШЕВ.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси-хафта учун

ҚҮЙ

Хафтанинг биринчи ярмида янги билимлар олишга иштиёқ қутайиши мүмкін. Бирок кераксиз ахборотларга эътибор қаратмаслик лозим. Мәннавиятни бойитадиган, ҳаётда асқатдиган ўғитларни ўрганган маъқул. Ҳар қандай қарор қабул қилишда умр ўйдошингиз билан маслаҳатлашиши унутманг. Бу ишда, ҳаётда яхши ютуқларга эришишда омил бўлади. Шахсий муносабатларни мустаҳкамлаш учун қулаг бўлиши кутиляпти.

СИГИР

Юлдузлар ҳар қандай таваккал ишлардан четроқ юришни маслаҳат бермоқда. Мақсад сари шошмасдан, ички туйғуга қулоқ соглан ҳолда ҳаракатланган маъқул. Электр ва механик асбобларни ишлатишда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмини саломатликни сақлашга бағишлини мүмкін. Ҳар бир ишни ўлаб, маромига етказиб бажариш, катта ютуқларга олиб келади.

ЭГИЗАКЛАР

Ҳафтанинг биринчи ярмида эътиборни шахсий ва иш юзасидан муносабатларга қаратишини маслаҳат берамиз. Ҳудбинлик, ўзбилармонлик эмас, яқин кишингиз, дўстлар маслаҳатига қулоқ тутиш кўзланган мақсад сари етаклайди. Ҳафтанинг иккинчи ярми ҳис-туйғуларга бой бўлиши кутиляпти. Ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда фақат ҳис-туйғунинг ўзи етарли бўлмаслигини эслатиб ўтамиз.

ҚИСҚИЧБАҚА

Дуч келган ишга қўл уравермасдан, ўзингиз яхши билган юмуш билан шуғулланиш фойдалидир. Саломатлик ҳақида қайгуришга вақт топинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмини майший ишларга багишлаб, таъмирлаш, саронжомлаш, тозалаш кабиларни амалга оширишга қулаг бўлади. Жиддий ишларга киришмай туришини маслаҳат берамиз.

АРСЛОН

Кўнгилга яқин кишингиз билан бирга вақт ўтказишига ҳаракат қилинг. Тасодифий учрашиб, тезда муносабатга киришиб кетишига шошилманг. Бу ишга жиддий ёндашиб, етти ўлчаб бир кесишини маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми дам олиш, ҳордик чиқариш учун қулаг бўлади. Оила аъзолари, фарзандлар билан саёҳатга чиқиш, кўнгилочар жойларга бориш учун вақт ажратишни ҳам унутмаслик керак.

БОШОҚ

Ҳафтанинг биринчи ярмини уй юмушларига багишлаган маъқул. Хонадонда саронжомлаш, жиҳозларни тозалаш, ободонлаштириш ишларини бажариш лозим бўлади. Оиласда муҳитни яхшилаб, келишмовчилик, жанжал чиқишига йўл қўйманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яқинлар, қариндошлар томонидан моддий ёрдам келиши кутиляпти. Кўчмас мулк муаммоси ҳал бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ТАРОЗИ

Кун тартибини режалаштириб, унга қатъий амал қилиш яхши самара берининя яна бир бор эслатиб ўтамиз. Вақтдан унумли фойдаланиш дам олиш, саёҳатга чиқиш, болалар тарбияси билан шуғулланишга имкон беради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ота-она, ака-ука, опа-сингилларни бориб кўриш, қўни-қўшилар билан муносабатни мустаҳкамлаш учун қулаг бўлади.

ЧАЁН

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмини молия ва пул масалаларига бағишлиши маслаҳат бермоқда. Осон пул топишга интилмасдан, ҳалол хизмат, меҳнат туфайли эришишга ҳаракат қилинг. Сарф-харжат ҳам меъерида бўлиши керак. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳам моддий, ҳам мәннавий жиҳатдан ўзгариш бўлиши кутиляпти. Бу сиз учун катта аҳамиятга молик эканлиги учун ҳам мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиш лозим.

ЁЙ

Ҳафтанинг биринчи ярмида қисқа саёҳатга чиқиши имконияти туғилади. Саёҳат қизиқарли ва яхши ҳамсуҳбат билан ўтиши кутиляпти. Яқин қариндошлар, оила аъзоларида норозилик туғилмаслиги учун саёҳатдаги ҳамсуҳбатни тұла ошкор этмаган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги ғоялар туғилиб, режалар тузишга имконият бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Олинган ҳамма маълумотларга ишонавермасликни маслаҳат берамиз. Юлдузлар ота-она, ака-ука, опа-сингиллар билан сұхбатда мулоҳазали бўлишини маслаҳат беряпти. Ҳафтанинг биринчи ярмида ижодий фаолият ва тижоратдан қўшимча даромад олиши имкониятини қўлдан берманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўпроқ ёлғиз қолиб муҳим масалалар юзасидан режа тузиб олсангиз келгусида асқотади.

КОВФА

Дўстлар билан ўзаро муносабатда ишончли эканлигинизни намоён эта билинг. Бунинг учун фалсафий мушоҳадалар қўл келади. Аммо молиявий маблағ, тижорат масалалари юзасидан гап очмаган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги дўстлар, ҳамфирларни топиш учун қулаг бўлади. Орзу, истаклар хаёлда қолмаслиги учун аниқ режалар тузиб олишини маслаҳат берамиз. Саломатлик учун ҳам вақт ажратинг.

БАЛИҚ

Ҳафтанинг биринчи ярмида ёлғиз қолиб, фикрингизни жамлаб олиш мумкин бўлади. Ўзингизни лоҳас ҳис этсангиз, дам олиб, ҳордик чиқариши маслаҳат берамиз. Жиддий ҳаракат, дадиллик ҳафтанинг иккинчи ярмида қўл келади. Ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашиш ишни самарали якунлашга омил бўлишини яна бир эслатиб ўтамиз.

ТУРФА ОЛАМ

ХИТОЙЛИКЛАР ОФИРЛАШИБ БОРМОҚДА



Хитой тиббиётчилари мамлакат ёшларининг ҳар ўнтасидан бири, шахар ёшлари нинг эса ҳар бештасидан бири меъёрдан ортиқ семириб кетаётганилиги, натижада мазкур мамлакатда 70 миллиондан ортиқ хомсизлар борлигидан ташвишга тушишмокда. Бу семириш ўз навбатида, мамлакат тиббиёти олдига ўта муҳим муамми кўндаланг қилиб қўймокда. Шунинг учун ҳам мутахассислар кейинги пайтда семиришга қарши ўтлардан 100 га яқин дори-дармон, 20 хил махсус суртмалар ва ҳатто алоҳида совунлар яратишидик, буларнинг барчаси семизликнинг олдини олишга қаратилгандир. Бундан ташқари, озишни хоҳловчилар учун белга боғланадиган махсус боғламалар ишлаб чиқарилмокда. Бирок бу тадбирларнинг фойдаси хозиргача сезилмаяпти. Бунга энг аввало, ота-оналар сабабидирлар, дейишмокда мутахассислар. Негаки, Хитойда кўп бола тушиш тақиғланган. Шунинг унун хозирги кунда аксарият оиласарда биттадан фарзанд бор холос. Бу эса фарзандларнинг эрка ўсишига, улар нимани хоҳласа, гарчи қиммат бўлса-да ота-она шуни олиб бераб, улар хоҳиши бўйича иш тутишга олиб келмокда.



ЭВЕРЕСТНИ ИЛК БОР КИМ ИШГОЛ ЭТГАН?

Шу кунгача биз билардикки, дунё томи бўлумиши Эверест (Жамолунгма)нинг 8848 метрлик чўққисини 1953 иили янги зеландиялик Эдмунд Хиллари ва непаллик йўл бошловчи Шерп Тензинглар дунёда биринчи бўлиб ишгол этган деб ҳисобланарди. Бирок эндиликда бу караш йўққа чикмокда.

Гап шундаки, америкалик альпинист-олим Эрик Симпсон бошлиқ "Нова" экспедицияси ўша тогда чўққини энг биринчи ишгол кўлғанларнинг жасадини топишиди. Улар англиялик Жорж Мэллор ва Эндрю Ирвинглар бўлиб, 1924 иили чўққига кўтарилишган. "Нова" экспедицияси чўққига 615 метр колганда Жорж Мэллорнинг жасадига дуч келишган. Марҳум альпинистнинг жасади совуқ ва қуруқ хавода яхши сақланган. Ҳатто унинг комбинезон ва ботинка, кўлқопу арқонлари ўша-ўша ҳолда турарди.

Маълумотларга қараганда, Мэллор Эверестга "Кодак" фотокамерасини ҳам олиб кетган экан. Агар топишганда эди улар қаҷон ҳалок бўлган – чўққига чиқаётгандами ёки чўққидан тушаётгандами, шуни аниқлаш имкони бўларди.

Иккинчи альпинист Эндрю Ирвинг жасадини қидириш ишлари эса бесамар кетди.

Жорж Мэллорнинг жасади унинг қариндошлари розилигига кўра, ўша тог киялигига кўмилди.

М. ИБРАГИМОВА тайёрлади.

БУ ҚИЗИК!

Монако ва Истроилда мамлакатдан ташқарида туғилганлар сони давлат ичидаги туғилганлардан кўпроқ. Монакода аҳолининг 60 фоизи четда, Франция ва Италияда туғилган бўлса, бу кўрсаткич Истроилда 62 фоизини ташкил этади. Бундай мамлакатлар сирасига Австралия (17 фоиз), Канада (16 фоиз) ва Янги Зеландия (15 фоиз)ларни ҳам киритши мумкин.

Швейцариянинг Беннигхейм шаҳридан қабристонлардан биридаги қабр тошида шундай ёзувлар бор: «Бу қабрда ётган Барбара Шмитцерин 38 ўғил ва 15 қизнинг онаси».

Жанубий Бирмадаги Мергуи архипелаги аҳолиси йилдан-йилга «ёшарив» бошлиади. Улар бунга оддий арифметик амал воситасида эришишади. Бу оролларда туғилган чақалоқ дарҳол олтмиш ёшли киши саналади. Убир ёшига тўлганда бу муддат унинг ёшига қўшилмайди, аксинча, айрилади. Мергуидаги бир ёшли чақалоқ 59 ёши киши ҳисобланади. Шундай қилиб, бу жойларда энг обрули ва кекса кишиларнинг «ёши» 5-6 да бўлаади. Агар инсон 60 йилдан кўпроқ умр кўрса нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Жуда оддий. Мергуилар тақвими бўйича инсон «ноль» ёнга тўлган куни унга яна 10 йил «кўшиб» беришади ва у яна «ёшлик гашти»ни сурошлади.

ЯНГИЛИК – УНУТИЛГАН ЭСКИЛИК

Бугунги кунда тиббиётчилар айrim касалликларни "электромассаж" ва "электрованна" усуллари билан даволашни тавсия этишади. Назаримизда бу янги усулдек туюлади. Негаки, тиббиётчиларнинг ўзлари ҳам бунга XX аср кашфиёти нуктаи назари билан қарашади. Аслида унинг тарихи жуда қадимий.

Кадимги Рим солномачилари – Светоний ва Тацитларнинг ёзишларича, ўша давр ҳукмдори Нерон ревматизм касаллигидан кўп азият чеккан. Уни сарой табиби "электромассаж" ва "электрованна" билан даволаган, яны сув тўла ёғоч тогорага маълум микдорда электр қуввати узатилган ва унга Нерон тушиб чўмилган. Бу муолажа бир неча марта тақорлангач, бемор ҳақиқатан ўзини яхши хисетган.

Ҳа, ҳар битта янгилик – унупилган эскилиkdir, деган гап бекорга айтилмаган.

«ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ – ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ» танловига

(Давоми. Башланшии
үтгән сонда).

Майор Курбонов экспертиза хулсалар билан таниши. Тахмини түрги чиқди, котиллик пухта ўйлаб қилинган эди. Машинанинг тормози ишдан чиқарылиб, дарёга қулатилган. Салон ичидан топилган пичоқча-чи? Мархумнинг хотини айтган сүзларга қараганда, у эрига тегиши. Бирок нега унинг сопига араб алифбосида «Ал-Асад» деб ёзилган? Ўз-ўзига савол бераётган Курбоновнинг фикри эшик тақиляшидан ча-лғиди.

– Рұхсат этинг, ўртқа майор, – хонаға баланд бўйли лейтенант кириб келди.

– Келинг Муродов, ўтириңг.

– Сиз сўраган «Ал-Асад» билан боғлиқ суриштирувни ниҳоясига етказдим. Шаҳарда мазкур ном билан 12 та хусусий фирма борлиги аниқланди.

– Яхши, менга уларнинг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотни беринг.

– Хозир, – лейтенант бир талай ҳужжатлар орасидан бинани олиб, Курбоновга узатди.

– Кетишига рұхсат этинг.

Курбонов ҳужжатга тикилганча бош иргади.

«Асад Ибрагимов, Асад Шарипов, Асад Ҳужаев, Асад Мирзаев, Асад Шокиров, Асад Тўраев ва ҳоказо, – пицирлади майор. – Асад Тўраев дегани жуда таниш. Ҳа, дарвоке, дўстим ўғлини уйлантирганда адашмасам ўшанинг ресторанида тўй қилди. У билан мени ҳам таништирганди, эсладим. Суриштириб қўриш керак».

Ҳашаматли ресторон. Фойе марказидаги мўъжазгина фаворадан отилаётган сув жилвалини, кишига ҳузур бағишлайди. Ҳовуз четига терилган кафелда киши бемалол ўз аксими кўриши мумкин. Ҳориждан келтирилгани кўриниб турибди. Шоҳрух Курбонов кошонанинг бир чеккасидаги кулагай жойга бориб ўтири. Офицант изинг ёнига бориб, таомномани узатди. Курбонов ўртоқларни кутаётгани, кейинроқ буюрта беришини айтди. Тахминан ярим соатча ресторан раққосасининг арабча раксига маҳлиё бўлган Курбонов бирдан ҳушёр тортди. Зинадан аввалига сафар Асадбек билан бирга кўрган, келишган йигит тушди. Майор ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди.

– Кечирасиз, бир дақиқага мумкинми, сиз Асадбек аканинг кўл остида ким булиб ишлайсиз?

– Нимайди? – дея қатъий жавоб берди у.

– Мана бу пичноқчани яқинда...

– Э, уни қаердан олдингиз? – шошиб қўлига олди ҳалиги йигит. – Ахир бу ҳўжайниннинг пичноқчаси-ку, доим қўлида ўйнаб юради. Ҳудди ўзгинаси.

– Эҳтимол, Асадбек Тўраев буни тушириб қўйган шекилли, мен уни бир жойдан топиб олдим. Шуни ўзига топшириш нијатидаман, – деди Курбонов.

– Афсус, ҳўжайнин боя бир жойга шошганна кетди. Мен бериб кўяқолай.

– Бу пичноқча айнан ҳўжайнинизга тегиши эканлигини тасдиқлай оласизми?

– Албатта, «Ал-Асад» деган ёзувода фирмамиз номи қайд этилган.

– Майли, раҳмат сизга, –

Курбонов шундай дея ресто-рандан чиқиб кетди.

Маҳалладаги пастқам уйлар қаторидан ўрин олган иккиси қаватли иморат кишини ҳайратга солади. Замонавий қилиб қурилган бу ҳашаматли уй бир қараша ўрта асрларда Европада барпо этилган готик услубдаги биноларга ўхшаб кетади. Дарвоза очи-либ, ичкаридан кўхликкина жувон чиқиб келди. Курбонов у билан ҳовли ўртасидаги мармардан ишланган ҳовузни айланниб ўтиб, тилла рангли тутқични ушлаганча зинадан кутарилди. Аёлдаги бироз ҳавотир, ҳаяжон ҳодимнинг эътиборини тортди. Улар меҳмонхонага кириб, узун стол атрофига қатор териб кўйилган жимжимадор стулларга,

тортмай туман ИИБга борди. Иккиси қаватга кўтарилигач, майор Шоҳрух Курбоновнинг хизмат хонаси эшигини тақилатиб, секин очди.

– Келинг, сизни кутиб турувдим, – деди Курбонов ўтириш учун жой кўрсатиб. Кейин компьютерда нималарнидир ёзиб унга юзланди:

– Айтинг-чи, эрингиз чекармиди?

– Йўқ.

– Воеа юз берган куни шаҳардаги квартирада бўлганмидингиз?

– Кеча айтдим-ку, йўқ деб, ҳадеб сўраверасизми! – жаҳли чиқди жувоннинг.

– Гап шундаки, еттинчи қаватда жойлашган ўша хона-дondagi кулдондан сигарета қолдиги ҳамда телевизор пультидан бегона эрракнинг бар-

ўша куни хизмат сафарига отланган Азамат ишхонасидан тўғри аэропортга келди. Портфелини очиб, ҳужжатларини кўздан кечириди. Ҳаммаси жойида. Камзулининг чўнтағига кўл солди. Пластик карточка ва паспортини ўйда қолдирибди. Соатига қаради. Вақт оз қолган эди. У такси тўхтатди-да, ҳайдовчига ўн дақиқа ичидан манзилга етказса яхшигина ҳақ тўлашини айтди.

Манзилга етиб борган Азамат лифтдан кўтарилиган заҳоти калитни чўнтағидан чиқариб, кулфга сукди. Ичкарида эррак кишининг туфлисини кўриб, ганиги қолди. Ваннада сувнинг шалдираши эштилди. У ёткочонага кирганида хотини каратвотда ярим ялангоч ҳолда ётарди. Ваннахонадан эррак кишининг «Гулбадан, ох, гулбадан...» деган хиргойиси эштилиб турарди. Азаматнинг жони ҳалкумiga келди. У хотинининг сочидан ушлаб, қаравотдан судраб туширди-да, аёвсиз дўлпослай бошлади. Шовқинни эштишиб сочиқ ёпинган ҳолда ёткохонага кирган Асадбек Азаматнинг муштига чап беролмай қолди. Иккиси эррак ўртасида муштлашув бошланди. Санобар уввос согланча уларни ажратишига уринди. Бироқ иккиси эрракка кучи етмади. Асадбек рақибига кучи етмаслигини билгач, ерда ётган гантель билди. Азамат кутимаган зарбадан мувозанатини йўқотиб, полга йиқилди. Асадбек янга бир неча марта урди.

– Вой ўлмасам, нима килиб қўйдингиз, ўлдими?! – Санобар кимирламай қолган эрини кўриб анграйиб қолди. – Энди нима бўлади?! – Ўзингни қўлга ол, уни йўқотиш керак, – деди Асадбек ҳансира.

Санобар бирдан қизариб кетди. Кўз олди қоронгулашганини сезди. Демак, пайқашибди. Ҳаммаси тамом. Эшиқдан Асадбек шовқин солиб кирди:

– Бу нимаси «начальник»,

биззи терговга чакирибсиз.

Бирор иш қилибмизми? У тер-

говчининг рўпарасида ўтирган

Санобарни кўриб анграйиб қолди.

– Бир-бирингизни таний-

сизларми? – сўради майор

қўлидаги қаламни уларга қара-

тиб.

– Ким бу хотин, танимайман,

қолаверса, саволларингизга

адвокатим келганидан сўнг жа-

воб бераман.

– Ахборотингиз учун бу аёл-

нинг хонадонидан сизнинг бар-

моқ изларингиз топилди, сиз-

га тегиши мана бу пичноқча

эса марҳум Азамат Ҳолматов-

нинг машинасидан далилий

ашё сифатида олindi. Ҳуш,

давом этаверами ёки ҳамма-

сими ўзингиз гапириб берасизми? – деди майор бироз қизишиб.

– Бунинг барчаси туҳмат,

бўхтон. Мен ҳеч кимни ўлдири-

ганим йўқ!

– Тўхтант, тўхтант, ҳали ҳеч

ким сизга бирорни ўлдиридин-

гиз, деб айб қўйгани йўқ.

Котиллик содир этилганини

қаёдан билдингиз?..

Санобар ўқириб йиглаб

юборди. Асадбек эса бошини

ҳам қилганча чукур нафас

олди. Энди тан олишдан ўзга

чора йўқ эди. У бўлган воқеа-

ни бирма-бир гапириб берди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар ИИБ томонидан қўйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун кидирилмоқда.

Шоҳрух Дилшод ўғли Ўринбоев. 1995 йилда туғилган. Оҳангарон шаҳар 4-кичик даҳа, 5/5-а ўй, 23-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 145-150 см, озғин, юзи чўзиқроқ, сочи қора, калта, қошлари, кўзлари қора, лаблари ингичка.

Кийимлари: сарик синтетик футболка, тўқ-тўқ шортик, оқ-сарик рангли крос-совкада бўлган.

Алоҳида белгилари: бош қисмida 3-4 см.ли, чап оёғи болдири қисмida 3-7 см.ли чандиги бор.

Хайрулла Кенжаевич Суюнов. 1969 йилда туғилган. Оҳангарон шаҳар Муруват уйида рўйхатда турган.

Белгилари: бўйи 165 см, юзи чўзиқроқ, сочи, қошлари, кўзлари қора, бурни, лаблари ўртача катталиқда.

Кийимлари: қора свитер, фуфайка, қора шим, бошида қалпок бўлган.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, ўз исми ва уй манзилини айта олади, II гурух ногирони.

Фарид Файзилович Фотиҳов. 1959 йилда туғилган. Оҳангарон шаҳар Муруват уйида рўйхатда турган.

Белгилари: бўйи 160 см, озғин, пешонаси кенг, сочи, қошлари, кўзлари жигарранг, бурни, лаблари, кулоқлари ўртача катталиқда.

Кийимлари: қора футболка, қора шим, шилпакда бўлган.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, ўз исми ва уй манзилини айта олади, II гурух ногирони.

Элмир Маратович Субҳонқулов. 1961 йилда туғилган. Оҳангарон шаҳар Муруват уйида рўйхатда турган.

Белгилари: бўйи 168 см, озғин, пешонаси кенг, юзи думалоқ, сочи, қошлари, кўзлари жигарранг, лаблари, кулоқлари ўртача катталиқда.

Кийимлари: қора шим, шилпакда бўлган.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, ўз исми ва уй манзилини айта олади, II гурух ногирони.

Юкорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, каердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ШАҲСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йилнинг 28 октябрь куни Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган «Темир» бозори дарвозаси қаршисида номаълум ҳайдовчи томонидан ёши тахминан 40-45 лардаги, Осиё миллиатига мансуб эркак киши уриб юборилган. Жабрланувчи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

Курбон ҳайити – қадимий ва муқаддас байрамдир. Ана шу кунга тинчлик-хорижамлиқда, соғ-саломатлиқда етказгани учун Оллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар ва шукроналар бўлсин! Ҳақтаолодан барча ибодатларимизни, дуоларимизни қабул айлаб, эзгу мақсадларимизга эриштиришини, Ватанимиз тинч, юртимиз обод бўлиб, турли хил хавфу хатардан асранини сўраб қоламиш.

Муборак айём кунини яқинларимизни йўқлаб уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёши улуғларни зиёрат қилиш, мухтоҷларга меҳр-муруват кўрсатиш, оиласларга хурсандчилик улашиб ва умуман, байрамнинг кўргига-кўрк күшадиган амали солиҳлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аммо гурух-гурух бўлиб фотиҳага бориши, мусулмонларнинг улуғ байрамини мотамга айлантириш бидъат-хурофот амаллардан хисобланади.

Ҳайит кунларида адо этиладиган амалларнинг барчаси инсонлар ўртасида меҳр-муруват ришталарининг янада мустаҳкамланишига, беморларни, қариндош ва ёр-дустларни зиёрат қилиб, дуоларини олишга, айрим сабаблар туфайли аразлашиб қолган қишилар билан ҳам алоқаларни тиклашга қаратилган. Чунончи, силаираҳм Ислом динидаги мухим амаллардан хисобланади.

Курбон ҳайити куни мусулмонлар бир-бирларига қучоқ очиб, Парвардигорлари инъом этган хушнудликни баҳам кўрадиган, очик чехра, ёруғ юз билан кўнгилларига хурсандчилик улашадиган, кам таъминланган ва боқувисини йўқотганлар ҳолидан хабар оладиган, уларга моддий ва маънавий томондан кўмак берадиган кундир.



Юртимиз тинч, ҳалқимиз фаровон бўлсин!

Шавкат КАҲҲОРОВ
сурат-лавҳаси.

Кўпчилик инсонлар кексаларнинг дуосини олиш ниятида уларни зиёрат қиладилар. Бирорга меҳр кўрсатиш қанчалик савобли ва шарафли иш эканлиги барчамизга маълум. Меҳр-муруват кимларга ва қандай кўрсатилиши ҳақида Куръони каримда шундай марҳамат килинган: «Сиздан (эй, Мұхаммад) қандай эхсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: «Ниманини ҳайр-эхсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофириларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эхсонларингизни Оллоҳ билдиб турувчиидир».

Мусулмонларнинг энг мўтабар байрамларидан бири хисобланган Курбон ҳайити Зулхижжа ойининг 10-куни нишонланади. «Ийд» сўзи арабчада тақрорланиш маъноси билдириб, байрамлар ҳар йили қайта-қайта тақрорланинг келганлиги учун «Ийд» ўзбекча «Ҳайит»

деб номланган. Энг мұхими, иккйид кунлари Оллоҳ таолонинг кўллаб ҳайру баракаси бандалари узра ёғилади. Ииди Курбон Ҳаж ибодатлари тамом бўлгани муносабати или ва Оллоҳнинг йўлида курбонлик қилингаша тайёрликни изҳор қилишлик учун шариатга киритилган байрам хисобланади.

Ҳайит намозини ўқиб бўлгач, курбонлик қилиш бошланади ва унинг охирги вақти эса ҳайитнинг учинчи кун аср вақтининг охиригача давом этади. Фикъ китобларида курбонлик қилиш мусофирига вожиб эмас, деб баён этилган. Шу ўринда эслатиб қўйиш жоизки, ҳожиларнинг қурбонлиги шукrona қурбонлигидир. Агар бирор кимса қурбонлиги сўйиши вақтигача мазкур пул маблағига эга бўлса, унга қурбонлик вожиб бўлади.

Қурбонликка қўй, эчки, тую, сиғир каби ҳайвонларнинг эркаги

ҳам урочиси ҳам сўйилиши мумкин. Булардан тую 5 ёш, сиғир 2 ёш, қўй ва эчки эса 1 ёшга тўлган бўлиши керак.

«Муҳтасарул викоя» китобида бир кишидан қўй ёки бир кишидан то етти қишигача бир мол ёки тую (сўйилиши) мумкинлиги айтилган.

Агар мол ёки тую 7 киши номидан сўйиладиган бўлса, унинг гўштини тақсимлашда чамалаб эмас, балки килолаб ўлчаган ҳолда тенг тақсимланиши лозим. Бирок калла-почча ёки териси кўшиб юборилган бўлса, бу мустасно.

Мусулмон бўлмаган кўшилиларга ҳам курбонлик гўштидан бериш мусулмонлик зиннатидан хисобланади. Унинг ҳикмати эса, Оллоҳ йўлига бирор жонлиқ сўйиб, уни камбафал, етим-есир, ноҷорларга эхсон қилишдир. Ҳайит кунлари адо этиладиган амалларнинг барчаси нафакат мўмин-мусулмонлар ўртаси-

да, балки барча инсонлар орасида меҳр-муруват ришталарининг янада мустаҳкамланишига, ўзига тўқ қишилар билан мухтоҷ одамлар орасида илик муносабатлар пайдо бўлишига хизмат қулади.

Курбонлик қилининг ўзига хос ҳикматлари бор, албатта. Биринчи ҳикмат – бу мусулмонларнинг Оллоҳга нисбатан юксак одоблари, курбонлик Яратганга атаб қилингани учун уни соғ-саломат, њеч бир нуқсонизсиз бўлишига уриниш Оллоҳ таолога нисбатан юксак одобни кўрсатади.

Иккинчи ҳикмат – бу мусулмонларнинг ўрталарида мөхроқибатларни мустаҳкамлайди. Уларга касал ҳайвонларнинг гўштини эмас, балки соғ ва се-миз ҳайвонларнинг гўштини совфа қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар гал мусулмонларнинг улуғ байрами кунлари ички ишлар идоралари ходимлари жойларда тинчлик ва осойишталиқни саклаб, жамоат ҳавфисизлиги, йўл ҳаракати ҳавфисизлигини таъминлайдилар. Оллоҳ юртда тинчлик ва осойишталиқнинг барқарор булиши йулида хизмат қилаётгандарга раҳмат назари билан қарайди, иншооло. Чунки осудалик, хотиржамлик бор жойда мўмин-мусулмонларимиз Оллоҳ олдидаги фарз амалларини бемалол бажарадилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиздаги барча ички ишлар идоралари ходимларини муборак айём билан табриклаб, уларнинг улуғ савобли ишларида катта муввафқиятлар тилаймиз.

Илоҳо, Оллоҳ таоло барчамизга Қурбон ҳайитини муборак қилин! Келгуси йилни бизларга баракатли қилиб, юртимиз тинч, ҳалқимиз фаровон, осмонимиз мусаффо булишигина насиб этсин! Барчаларимизни бир-бири мизга меҳр-оқибатли, ҳайр-саҳоватли бандаларидан булишиларни насибу рўзий айласин!

Ҳомидбек ИШМАТБЕКОВ,
«Қўқалдош» ўрта маҳсус
ислом билим юрти мудири.

ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриклишни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Куролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Кибрай ва Ўртачирчик туманларида мўким яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07,
239-88-41.

Манзил:

Чилонзор тумани,
Олмазор мавзеси 17-йй.

Мўлжал:

Бешёғоч майдони,
Муқимий театрни.

«Хидоят»дан.

Яхши ният қилинг

Яхши ният – ярим давлат, дейди ҳалқимиз. Тилак билдириш, яхши ният, дуо-ю олқишилар – бу ҳам ўзбек ҳалқининг энг қадимий удумларидан бири. Инсон ҳаётининг барча фаслларida турли ёшларда, турли муносабатлар билан турмуш чорраҳаларида бир-бирига тилак билдиради, яхши ният қиласи.

Бола туғилганда: «Фарзанд, муборак бўлсин, умри-ю ризқи, ота-онаси, бобо-ю бувиси билан берган бўлсин», дейидиди. Бу тилакнинг мазмунида катта ҳикмат бор. Бола туғилибдими, аввало, унинг умри узун, ризқу насибаси мўл бўлсин. Ота-онаси тарбия бериб, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказар экан, фарзандининг ҳузур-ҳаловатини, роҳатини, иқболини кўришсин, элу юртга сидқидилдан хизмат қиладиган шахс бўлиб етишини каби ниятлар биргина шу ҳикматда жамулжам бўлган.

Сафарга, саёҳатга, хизматга отланаётган қишиларга: «Сафарингиз бехатар бўлсин, эсон-омон яна дийдор кўришайлик, худо ёр, пирлар мададкор бўлсин», деган эзгу ниятлар билдириб.

«Илойим, икки ўшнинг баҳту иқболини берсин, кўшгани билан кўша қарисини каби тилаклар билдирилади. Бу билан ҳамроҳини топган баҳту саодатини ҳам топсин, умрларининг охиригача бир-бирига содиқ ёстиқдош бўлишсин, фарзандлари кўп, тарбияли бўлишсин, топғанлари ўзларига насиб қилсин, авлоднинг муносиб давомчилари бўлсинлар сингари ҳаётий, самимий тилаклар кўзда тутилган.

Сафарга, саёҳатга, хизматга отланаётган қишиларга: «Сафарингиз бехатар бўлсин, эсон-омон яна дийдор кўришайлик, худо ёр, пирлар мададкор бўлсин», деган эзгу ниятлар билдириб.

лади. Мўйсағидлар, ота-оналар фарзандларига: «Ой бориб, омон қайтгин», дейа дуо қилиб қолишиди. «Омад ёр бўлсин, олгини олдирмагин, тўрт мучан сог бўлсин, худо ўз паноҳида асрасин» тилаклари ҳам шу ҳолатларда кўлланилиши мумкин.

Бирор жойдан, шаҳар, қишлоқ, сафар ва зиёратдан қайтган қишиларга: «Зиёратлар қабул бўлсин» деган ният билдирилади. Бунга жавобан сафардан қайтган шахс: «Муродингиз ҳосил бўлсин» дейа ўз миннатдорчилигини изҳор этади. Бунинг маъноси шуки, холис, эзгу ниятлар билан тилакларингизни худо ўз даргоҳида қабул қилсин, дейилаяти. Жавобда эса икки маъноли мантик жо бўлган: Илоҳим айтганингиз келсин. Сизга ҳам ушбу зиёратнинг савобидан тегсин, маънолари шулар жумласидандир.

«Хидоят»дан.